

Аллоҳ бизни авф қилди



08:00 / 22.02.2020 2716

Абдулвоҳид ибн Зайд бир куни Ҳавшаб ибн Муслимга: «Эй Абу Бишр, Аллоҳга йўлиққач, қандай аҳволда эканингни хабар қила олсанг, бизга хабар бер», деди. Орадан сал ўтмай, вабо тарқалди. Ҳавшаб ўша пайтда вафот этди. Абдулвоҳид уни тушида кўриб, «Эй Абу Бишр, бизга ваъда қилган нарсангни айтасанми?» деган экан, у шундай дебди:

- Ҳа, айтаман. Мен ҳозир роҳатдаман.
- Аҳволинг қандай?
- Аллоҳ бизни авф қилиб, нажот берди.
- Ҳасан Басрий-чи?

- У «иллийюн»да (нажот топганларнинг руҳлари Қиёматгача турадиган оламда). Биз уни кўрмаймиз, у ҳам бизни кўргани йўқ.

- Бизга нимани буюрасиз?

- Доим зикр мажлисларида бўлинглар, мавлоингиз Аллоҳ таоло ҳақида яхши гумонда бўлинглар. Яхшиликка эришиш учун шу икки нарса кифоя қилади».

«Солиҳлар гулшани» китобидан